

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД-5А120201-2.04

2016 йил "9" 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги



2016 йил "22" 01

ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА ТАРЖИМА АМАЛИЁТИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	– Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120201	– Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Муратова Э.Д. – “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Махмудова Н.А. – “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

#### **Такризчилар:**

- Ибрагимходжаев И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, инглиз тили кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази раҳбари, доцент, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Ушбу дастур “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатда келтирилган мезон ва талабларга ҳамда 5A120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллар) магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган малака талабларига асосланади.

Оғзаки ва ёзма таржима амалиёти умуммутахассисликнинг интеграллашган курси ҳисобланиб, таълим жараёнида чет тили ва таржима амалиёти ўзаро боғлиқликда ўрганилади. Ушбу дастур нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича (гапириш, тинглаш, ўқиш, ёзиш, таржима) билим, малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ва шунингдек, ҳар бир талабанинг тил ва таржима ихтисослигига боғлиқ кўникмаларни ривожлантириш ва шакллантириш масаларини ўз ичига олади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фаннинг мақсади - чет тили коммуникатив компетенцияси халқаро CEFR стандарти бўйича C1 даражада ўзлаштириш мақсадида магистрантнинг маданиятлараро мулоқот медиатори сифатида малака ва кўникмаларини ривожлантириш.

Фаннинг вазифаси - магистрлик диссертациясини ёзишда талабанинг илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, турли илмий маълумотлар мазмунини таҳлил қилиш, илмий ахборотни излаб топиб, интерпретация қила билиш, сараланган ахборотни матнларда умумлаштириш ва кенгайтириш, плагиат (кўчирмакашлик)га йўл қўймаслик, яъни библиографик изоҳларни, иқтибосларни тўғри расмийлаштира олиш, касбий ва илмий тадқиқот фаолиятида оғзаки ва ёзма мулоқот воситаларидан кенг фойдаланишга ўргатишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Магистратура битирувчилари ўрганилаётган чет тилини ва она тилисини халқаро CEFR стандарти бўйича C1 даражада ўзлаштиришлари лозим. Она тилидан чет тилига ва чет тилидан она тилига оғзаки ва ёзма таржима кўникмаларини мукаммал даражага олиб чиқиш керак. Магистрантлар фанни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги компетенциялар бўйича белгиланган тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

#### Тил компетенцияси:

- **лексик компетенция:** мавзуларга оид лексикани ва соҳага оид атамаларни илмий даражада ривожлантира олиш; сўз яшаш моделлари асосида сўзлар ҳосил қила олиш;
- **грамматик компетенция:** ихтисослашган матнлардаги (масалан, тилшунослик ёки таржимага оид) грамматик структураларни қўллай билиш; артиклни илмий услубда тўғри қўллай билиш; турли матнларнинг лингвистик ёки дискурс таҳлилини қила олиш.

## **Мулоқот компетенцияси:**

### **Тинглаб тушуниш:**

- ўз мутахассислик соҳаларига оид бўлмаган абстракт ва мураккаб мавзулардаги кенг кўламли нутқларни айрим жиҳатларини ойдинлаштириб олиш зарурати туғилса, айниқса сўзловчининг талаффузи ноаниқ ёки тил диалекти нотаниш бўлган ҳолларда ҳам тушуна олиш;
- кенг кўламдаги идиоматик ва оғзаки нутқ ибораларини фарқлай олиш ва ижтимоий муҳитга мос тарзда тилнинг ўзгариш хусусиятини тушуна олиш;
- кенг кўламли нутқларни аниқ тузилмаган ҳолларида ҳам тушуниш ва улардаги очиқ ойдин ва яширин фикрларни ҳам етарли даражада англай олиш
- муҳокама ва дебатлардаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқотни, мавзулар бирмунча мавҳум ёки нотаниш бўлган ҳолларда ҳам, осонлик билан тушунган равишда кузата олиш;
- кенг қамровли, тилнинг айрим ностандарт ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш ва сўзловчилар ўртасидаги бирмунча яширин қарашлар ва муносабатлар, кичик деталларнинг ҳам муҳим жиҳатларини аниқлай олиш;
- фильмларни сленг ва идиоматик ибораларнинг ишлатилиш ҳолларинини аксар қисмини тушунган ҳолда кузата олиш;
- сифат жиҳатдан бирмунча ёмон, овоз эшитилиши ноаниқроқ бўлган оммавий эълонлардан (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар) тегишли маълумот ола билиш.

### **Гапириш:**

#### ***Диалог***

- илмий ва соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали) ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва яқунлай билиш;
- фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш;
- вазиятга мос тарзда тилни мослаштира олиш;
- ўз расмий нуктаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда равон ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;
- семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик киритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллай олиш.

#### ***Монолог***

- соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш;
- объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш;
- маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва равон тарзда хулоса қила олиш;
- илмий нуктаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш.

#### **Ёзув:**

- барча турдаги хатларни ёза билиш;
- барча турдаги иншооларни ёза олиш;
- танлаган мавзулари бўйича магистрлик илмий ишини ёза олиш;
- соҳага оид мақолалар ёза билиш;

- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш;
- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;
- турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;
- тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиш.

### **Таржима:**

- таржима қилинган матнларнинг лингвомаданий хусусиятларини фарқлай олиш;

- таржима жараёнида юзага келадиган контекстуал хусусиятларни инобатга олган ҳолда, илмий-техникавий, публицистик, бадиий дискурда қўлланиладиган терминларни тушуниш;

- лисоний ва фон билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида турли энциклопедия ва изоҳли, кўп тилли луғатлардан фойдаланиш;

- таржимада мос келадиган эквивалентликка етишиш усуллари, адекват стратегиялар ва таржима усуллари сўз, гап ва матн даражасида билиш;

- дискурсив, лексик-фразеологик, грамматик ва стилистик таржима қийинчиликларини инобатга олиб, турли матнларнинг мақсади, тури ва амалга ошириш шароитларини ҳисобга олиш.

- лексик эквивалентлик нормаларига риоя қилиб, грамматик, синтактик, стилистик ва лингвомаданий мувофиқликка амал қилган ҳолда матнларни ёзма таржима қилиш;

- лексик эквивалентлик нормаларига риоя қилиб, грамматик, синтактик, стилистик ва лингвомаданий мувофиқликка ва таржима қилинган матннинг темпорал хусусиятларига амал қилган ҳолда тадрижий таржима ва варақдан оғзаки таржималарни амалга ошириш;

- оғзаки таржима қилишда таржима ёзувларининг қисқартириш тизимини қўллаш;

- дастлабки баённи аниқ тушунишга, таржима жараёнини тайёрлашга, керакли бўлган маълумотни махсус адабиёт ва интернет сайтларидан қидиришга ёрдам берадиган матнни таржимадан олдин таҳлил қилиш усуллари қўллашни билиш;

- турли услубдаги таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Оғзаки ва ёзма таржима амалиёти фани асосий мутахассислик фани ҳисобланиб, магистратура босқичининг 1,2,3 семестрларида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасидаги линвотаржимашунослик, илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили, матнлар таржимаси назарияси фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб

этилади. Фан мутахассислик фанлари блокадаги турдош фанлар билан узвий кетма-кетликда ўқитилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Оғзаки ва ёзма таржима амалиёти курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Мазкур фан таржимонлик фаолиятини амалга оширишда чет тилида коммуникатив компетенция ва касбий компетенцияларга оид малака ва кўникмаларни ривожлантиради. Фан доирасида ўзлаштирилган билимлар нотиклик санъати ва илмий услубнинг барча турларида (мақола, конспект, курс лойиҳалари, эссе, тезис, реферат, аннотация, магистрлик диссертация, илмий хулосалар), расмий ва норасмий анжуманларда катта аҳамият касб этади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Магистрантларнинг оғзаки ва ёзма таржима амалиёти фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни**

Махсус адабиёт матнларини мукамал тушуниш ва таржима қилиш, ўзбек ва рус тиллардан чет тилига ва чет тилидан ўзбек ва рус тилларга таржима қилиш фан мазмунини ташкил этади. Оғзаки ва ёзма таржима амалиёти фанини ўқитиш жараёнида эркин таржима, матнлардаги терминологиялар устида ишлаш, тилга хос бўлган стилистик хусусиятларини аниқлаш ва уларга мос услубни танлаш, махсус машқларда грамматик хатоларни топиш ва уларни таҳлил ва таҳрир қилиш, матнларни ҳар бир параграфининг асосий мазмунини аниқлаб интерпретация (қисқа оғзаки баён) қилиш, таржима усулларида фойдаланган ҳолда ёзма таржима қилиш ва уларга изоҳ бериш, маълум бир мавзуга йўналтирилган машқлар тўпламини, топшириқ ва презентациялар каби фаолиятлар амалга оширилади.

- ◆ Замонавий халқаро муаммолар: глобаллашув, этник муаммолар, терроризм, урушлар, миграция, экология, жиноят ва жазо.
- ◆ Бизнес ва молия: қўшма корхоналар, халқаро молиявий инқироз, банк операциялари, экспорт ва импорт, юк ташиш, кўргазма-ярмаркалари.

- ◆ Халқаро туризм: Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат туризми, туризм турлари, кўргазма ва форумлар.
- ◆ Соғлом турмуш тарзи: спорт, миллий таомлар, инсон саломатлиги.
- ◆ Замонавий кадриятлар ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари: миллий кадриятлар, психологик портрет, ўзаро муносабатлар, одоб-ахлоқ ва муомала маданияти, шахсий сифатлар.
- ◆ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг узлуксиз таълим тизими: таълим босқичлари, магистратурада таълим олишнинг ўзига хослиги, хорижда таълим олиш, таржимонлик ва педагогик фаолият.
- ◆ Касб ва карьера: таржимон, педагог, муҳаррир, гид, котиб(а)-референт, бошқарувчи.
- ◆ Магистрантнинг илмий-тадқиқот фаолияти: нотиклик санъати, такриз, мақола, илмий конференция ва симпозиум, маъруза презентацияси, менинг диссертациям, мини-ҳимоя, илмий лойиҳалар, муаллифлик ҳуқуқи ва патентлар.

## **Тил материаллари**

### **Лексик материал:**

Матнлар устида ишлаш жараёнида турли манбалар ва потенциал лексика орқали йиғиладиган унумдор касбга йўналтирилган луғат бойлиги 300 лексик барликлардан, ижтимоий-ҳаётий ва ижтимоий-сиёсий мавзуга оид 300 лексик бирликлар, рецептив сўз бойлиги 900 лексик бирликдан иборат. Сўзни вазиятга қараб тўғри ва аниқ ишлатиш масаласига кўпроқ эътибор қаратилади (нутқий ноаниқликка йўл қўймаслик, полисемия, омонимия ва паронимия фарқлаш; таржимонни “сохта дўст” ва тор соҳага оид терминларни билиш).

### **Грамматик материал:**

Нутқнинг функционал услубларига (илмий, илмий-ахборот, илмий-маълумот, илмий-ўқув, илмий-оммабоп ва публицистик услублар) оид семантик-синтактик, мураккаб синтактик конструкциялар устида ишлаш.

### **Нутқ фаолият турлари бўйича**

#### **Тинглаб тушиниш:**

- кенг қамровли мавҳум ва мураккаб мавзулардаги матнлар;
  - кенг кўламдаги идиоматик иборалар ва оғзаки нутқ намуналарига бой аудио тасмалар, ахборот ва оммавий эълонлар (масалан, темир йўл вокзали, спорт майдончасидаги эълонлар);
  - гуруҳ муҳокамасидаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мулоқот;
  - теледастур ва фильмлар;
  - ўрганилаётган тил соҳиби бўлган ва бўлмаган сўзлашувчиларнинг турли расмий ва норасмий доиралардаги ёки таълим муассасаларидаги аутентик оғзаки нутқ намуналари;
- соҳага оид маърузалар, баҳс-мунозаралар.

#### **Гапириш:**

##### *Диалогик нутқ:*

- шахслараро мулоқот ва суҳбатлар;

- оммавий мунозаралар ва расмий муҳокама;
- ўз мутахассислик соҳасига оид бўлмаган мавҳум ва мураккаб мавзулардаги маърузалар ва мулоқотлар;
- ишга қабул қилувчи ёки ишга кирувчи сифатида интервьюда қатнашиш;
- аудиторияда қўлланиладиган иборалар.

#### *Монологик нутқ:*

- кўрсатмалар;
- тақдимотлар;
- конкрет ёки мавҳум мавзулар бўйича ўз мулоҳазасини билдириш ва уни асослай олиш;
- ўз фикрини асосланган тарзда ифода этиш;
- фикрлар, муҳокама ёки соҳага оид мақола юзасидан умумлашган хулоса чиқариш.

#### **Ўқиш:**

- ижтимоий, мутахассислик ёки таълим соҳаларида учраш эҳтимоли бўлган бирмунча узун ва мураккаб матнлар;
- бадий ва илмий-оммабоп китоблар, шунингдек адабий журналлар;
- газета ва журналлар;
- йўриқномалар (қўлланмалар, таомнома китоблари ва ҳоказо);
- реклама материаллари;
- турли маълумотнома шакллари, ўқитувчи кундалиги, сўровномалар;
- расмий хатлар, электрон хатлар ва ҳоказо (меморандумлар, маърузалар, танқидий баёлотлар/мақолалар, илмий ишлар).

#### **Ёзув:**

- маълумотнома шакллари ва сўровномалар;
- иш ва мутахассисликка доир хатлар;
- мавзу танлаш баёноти;
- резюме;
- тезис;
- мини-диссертация;
- таҳлиллар;
- маърузалар;
- иншолар;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва мулоҳазалар;
- расмий ҳужжатлар (шартномалар, битимлар).

#### **Таржима:**

- ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва илмий мавзулардаги узун ва мураккаб матнлар;
- бадий ва илмий-техник матнлар;
- расмий хатлар, электрон хатлар ва ҳоказо (меморандумлар, маърузалар, тақриз ва хулосалар, танқидий баёлотлар/мақолалар, илмий ишлар) ;
- янгиликлар ва хабарлар;
- бадий ва ҳужжатли фильмлар;
- расмий учрашувлар, конференциялар;

#### **Социолингвистик компетенция:**



- тилнинг маданият жиҳатлари (масалан, идиомалар, мақоллар ва ҳоказо);
- хулқ-атвор, ўзини тутиш ва этикет қоидалари;
- новербал коммуникация воситалари;
- ижтимоий ва илмий доирага хос тарзда тилни мослаштириш;
- маданиятлараро мулоқотни чуқурроқ тушуниб етиш;
- ўзга миллат вакилларига нисбатан ҳурмат ва толерантлик;
- ўзга маданият ва турли вазиятларга мослашиш.

#### **Прагматик компетенция:**

- нутқни тушуниш, талқин этиш ва сўзлашдаги тегишли стратегия ва услублар;
- турли дискурслар таркиби ва мазмунини билиш;
- мулоқотдаги бўшлиқларнинг олдини олиш мақсадида тил камчиликларини баргараф этиш;
- расмий ва норасмий доираларда нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш, тўлдириш ва ҳоказо стратегиялар;
- таржима турлари, стратегиялари, тамойиллари, бирликлари ва усуллари;
- лисоний ва дискурсив масалалар ва таржима қийинчиликлари.

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш буйича кўрсатмалар**

Фан буйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

#### **Курс ишини ташкил этиш буйича услубий кўрсатмалар**

Фан буйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

#### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Чет тилдаги махсус адабиёт билан мустақил ишлаш, грамматик шаклларни тўғри ишлатиш, махсус адабиёт матнини тушуниш, изоҳ ва таржима қилиш, талабаларга кўпроқ мустақил ишлаш имконини бериш, ўрганилаётган тилда фикрлаш ва барча масалаларни ечишни режалаштириш, талабанинг мустақил иши юзасидан илмий муҳокама ўтказиш, махсус адабиёт материаллардан фойдаланиш, матбуот материаллари воситасида халқаро воқеаларни ўрганиб чиқиш, замонавий ахборот технологияларини таржима жараёнида қўллаш мустақил таълим шакли ва мазмунини ташкил этади.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Глобаллашув жараёнида миллий- маданий қадриятларни сақлаб қолиш
2. Замонавий ахборот тизими ва таржимон фаолияти
3. Электрон кутубхоналар ва тадқиқотчи фаолияти
4. Халқаро туризмнинг аҳамияти
5. Плагиат муаммоси

6. Гендер муаммолар
7. Оилавий кадриятлар

### **Дастурнинг информацион- услубий таъминоти**

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

Хорижда ва республикамизда нашр этилган илмий адабиётлар, махсус журналлар ва илмий мақолалар тўплами, таржимага бағишланган интернет сайтларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Фан бўйича мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш, диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, таржима методларини тадқиқ қилиш магистрларга диссертация ёзишда қўл келади. Бунда интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдимот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати<sup>1</sup>

### Асосий адабиётлар:

1. Казакова Т.А. Практические основы перевода. Translation Techniques. English - Russian. СПб.: Изд.-во «Союз», 2001.
2. Мисуно, Е. А. Перевод с английского языка на русский язык : практикум: Учеб. пособие. - Минск: Аверсов, 2009.
3. Marjolijn Verspoor and Kim Sauter. English Sentence Analysis. An Introductory Course. Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 2000.
4. Muratova E.D., Makhmudova N.A. English for Masters. Hot Topics. - Т.: USWLU, 2011.
5. Writing the Research Paper: A Handbook. // Winkler A.C., Metherell J.R. (eds.). - Wadsworth: Language Learning, 2008.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Bailey S. Academic Writing. A Practical Guide for Students. – Taylor & Francis e-Library, 2004.
2. Porter D. Check your Vocabulary for Academic English. – A&C Black Publishers Ltd, 2007.
3. Samuelsson-Brown G. A Practical Guide for Translators. – Multilingual Matters Ltd, 2004.

### Интернет сайтлари:

1. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
2. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
3. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
4. <http://tpot.ru/index.html>
5. <http://www.langinfo.ru>
6. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
7. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>
8. <http://www.twirpx.com/file/311224/>
9. <http://www.twirpx.com/file/847903/>
10. <http://www.uz-translations.net>
11. [http://www.booksbooksbooks.ru/index.php?option=com\\_content&view=category&id=1&Itemid=3](http://www.booksbooksbooks.ru/index.php?option=com_content&view=category&id=1&Itemid=3)
12. <http://www.peterlang.com/index.cfm?event=cmp.ccc.seitenstruktur.detailseiten&seite=ntyp=produkt&pk=41195&concordeid=57574>

---

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва хар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

